

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг Покистонга сафарлари



14:00 / 02.09.2022 2901

Бутун иттифоқ бўйлаб минглаб ота-оналар Афғонистондаги урушда асирликда қолиб кетган фарзандларини юртга қайтаришни ҳукуматдан талаб қилишар эди. Бу талаблар эътиборсиз қолдирилавергач, бундай мурожаатномалар халқ депутати, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг номига ҳам келиб туша бошлади. Халқ дардига беътибор бўла олмайдиган муфтий бошчилигидаги делегация кўплаб қаршиликлар ва ниҳоятда жиддий хавф-хатарларга қарамай, Покистоннинг Карачи, Исломобод ва Лаҳор шаҳарларига боради. Муфтий ҳазратлари асирликда сақланаётган аскарларни айирбошлаш юзасидан мужоҳидларнинг етакчилари билан учрашиб, музокаралар ўтказди. Учрашувлар давомида кўп масалалар муҳокама қилиниб, айрим муаммоларга ечим топилади.

Ўша пайтда Покистонда бошпана топиб турган афғонистонлик мужоҳидларга Гулбуддин Ҳикматёр ва Сухбатулло Мужаддийлар бошчилик қилишарди. Сухбатулло Мужаддий ва Гулбуддин Ҳикматёр делегатлар билан учрашувда Совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган хунрезликларни очиқ-ойдин гапириб берди...

Бу кирдикорлар фoш бўлгач, делегациянинг сафари ва музокаралар жараёни телевидение ва матбуот орқали ёритмай қўйилади. Ўзини доим тинчликпарвар қилиб кўрсатиб келган қонхўр империя жинойтларининг фoш бўлишини истамади, аксинча, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолишига уринди...

Бироқ муфтий Муҳаммад Содиқнинг бу хайрли ишлари зое кетмади, делегациянинг Покистонга ташрифи Ўрта Осиё мамлакатлари билан Покистон ҳукумати ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига сабаб бўлди.

Тинчликпарварлик миссияси билан, асирларни қутқариш мақсадида кетган делегациянинг музокаралари бирдан ёритилмай қолгач, асирликда қолган аскарларнинг ота-оналари томонидан норозиликлар кучайиб кетади. Ниҳоят, Горбачёвнинг шахсан илтимосига кўра, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Покистонга иккинчи марта ташриф буюради. Бу ташриф давомида асирларнинг бир қисми озод қилиниб, Ватанга қайтиш бахтига мушарраф бўлади.

«Ҳилол» журналининг 7(40) сонидан олинди